

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA
O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**



**O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH”
DEMOKRATIK PARTIYASI**



**RESPUBLIKA MA‘NAVIYAT
VA MA‘RIFAT MARKAZI**



**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA
ADABIYOTI UNIVERSITETI**



**NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT
DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

O‘ZBEK TILSHUNOSLIGINING DOLZARB MASALALARI

**Respublika ilmiy anjuman materiallari
Toshkent-2017**

Валиева Х.	Фразеологизмы как объект лингвокультурологии и использование их перевода на занятиях по неродному языку.....	120
Sobirova D.	So'z va uning leksik-semantik xususiyatlari tasnifi.....	122
Эргашева Г.	Инсон ташқи аъзоларининг турғун ўхшатиш эталонлари орқали тавсифи.....	125
Абдуллаева Н.	Қирғиз тилида сўрок ва шубҳа-гумон категорияси.....	128
Абдуллаев Ж., Бекниёзова З. Турдалиева Д.	Тилнинг асосий бирликлари таснифи масаласи ҳақида.....	131
Норбаева Ш. Қурбанова К. Йўлдашева Х.	Ўзбек тили лисоний имкониятларининг бадийи воқеланиш омиллари ҳақида.....	135
Норбаева Ш. Қурбанова К. Йўлдашева Х.	Хоразм шеваларидаги бинокорлик лексикаси хусусида.....	139
Shukurova B. Sharopova X. Xonberdiyeva M.	Лисоний имкониятлар ижтимоий хоslанишида прагматик омилларнинг роли.....	141
Arslonova Ch.	Afsonalarda so'zning qudrati.....	144
Tog'ayeva D.	Qadimgi turkiy tilda ko'makchilar.....	148
Shukuraliyeva D.	Iqbol Mirzo she'rlarida qo'shma gaplarning ishlatilishi.....	150
	"Boburnoma" asaridagi kiritmalarning sintaktik-semantik xususiyatlari.....	152
	Morfemalarning variantliligi.....	154
	O'zbek tilida so'zshaklning o'ziga xos xususiyatlari.....	156

III SHO'BA. AMALIY TILSHUNOSLIK MASALALARI

Қурбонова М.	Болалар нутқида локутив актнинг воқеланиши.....	158
Хамраева Ш. Мўйдинов Қ.	Корпус турлари ва таснифига доир.....	161
Эштўхтарова Б. Zaripov R.	Суд нотиклигида умумистеъмол сўзларнинг қўлланиши.....	164
Isayeva M.	Имплицит ахборот турлари.....	166
	Bilingvizm taraqqiyotida ekstralingvistik omillarning roli.....	169
	Ayol va erkaklar badiiy nutqining differensial xususiyatlari.....	172

Abdurahmonova N.		
Abdullayeva O.	Korpus lingvistikasi tadqiqiga doir.....	175
Xomidova M.	Nasriy matnlarda intertekstlilik mexanizmlarining namoyon bo'lishi.....	180
Худойбердиева С.	Ўзбек тили маркетинг терминологиясининг тадқиқи хусусида.....	183
Собирова Г.	Ўзбекча ва инглизча мақолларнинг лингвомаданий хусусиятлари.....	185
Юнусова Ш.	Ўзбек реклама тилининг лингвистик хусусиятлари (шиорлар мисолида).....	187
Тилакова Н.	Инглиз ва ўзбек тилларидаги таржималарда таъсирчанликнинг зоонимлар номларида ифода этилиши.....	190
Marajabova M.	Abdulla Oripov she'rlarida belgi asosli metaforalar.....	192
Мирдедаева М.	Сўзлашувда нутқий этикетнинг ифодаланиши.....	194
Jo'rayeva L.	"Qissasi Rabg'uziy" asarining fonetik xususiyatlari.....	196
Axundjanova A.	Oksyumaronning lingvopoetik imkoniyatlari.....	199

IV SHO'BA. ONA TILI TA'LIMI MUAMMOLARI

Адилова С.	Хорижда ўзбек тилини ўқитишнинг айрим масалалари.....	202
Shukurova S.	O'zbek tilida modal so'zlarning o'qitilishi.....	206
Агзамова З.И.	Современные информационные технологии в преподавании иностранных языков.....	208
Ashurova N.	Ona tili darslarida ta'limning tarbiyaviyligi prinsipi.....	210
Kenjayev T.	O'zbek tilida vazifadosh so'zlarning o'qitilishi.....	212
Tobarova R.	O'quvchilarning nazorat ishlaridagi ishora xatolari xususida.....	215
Sabirova E.	Ta'lim bosqichlarida "so'zning morfem tuzilishi" mavzusini o'rgatishga doir.....	217
Yuldasheva N.	Ona tili darslarida nutq o'stirish masalalari.....	220

III SHO'BA. AMALIY TILSHUNOSLIK MASALALARI

Мунаввара Қурбонова,

*ТошДўТАУ катта илмий ходим-изланувчиси
филология фанлари номзоди, доцент*

БОЛАЛАР НУТҚИДА ЛОКУТИВ АКТНИНГ ВОКЕЛАНИШИ

Тилнинг умумий ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда болалар нутқига хос прагматик воситалар муҳим ўрни тутади. Прагмалингвистиканинг марказий масалаларидан бири нутқий акт назариясидир. Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадни бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Хусусан, буйруқни ифода этувчи нутқ кўриниши буйруқ нутқий актини, сўроқни ифода этувчи нутқ парчаси сўроқ нутқий актини, истакни ифодаловчи нутқ кўриниши истак нутқий актини ҳосил қилади. Манбаларда нутқий актнинг хабар қилиш, истакни баён этишга қаратилган нутқий акт, мажбурият акти, ижтимоий тинчлик кўринишлари, эмоционалликни ифодаловчи актлар, маъқулловчи, таъкидловчи нутқни тўхтатувчи акт каби турлари қайд этилади.

Ж.Остин таснифида нутқий актнинг локутив, иллокутив, перлокутив каби турлари ажратилган [1, 83-91]. Ж.Серл эса нутқий актнинг қуйидаги турларини фарқлаган: талаффуз акти, референция ва предикацияни юзага чиқарувчи пропозиционал акт, сўзловчи мақсадни намоён этувчи иллокутив акт [2, 131-169]. Ж.Остин томонидан нутқий акт назариясига киритилган *локутив акт* тушунчаси прагмалингвистикада сўзлаш актига нисбатан қўлланиб келинади. М.Ҳақимовнинг фикрича, “сўзловчининг объектив оламда рўй бераётган воқеликни идрок қилиши ва уни вербал ҳамда новербал ифодалаш даражаси маълум маънода локуция тушунчасини акс эттиради” [3, 33]. Эътибор берилса, М.Ҳақимов талқинида локуция воқеликнинг новербал ифодасини ҳам қамраб олган. Бироқ олим бошқа ўригда “фонетик, лексик ва синтактик бирликларнинг сўзловчи томонидан меъёрий талаффуз жараёни локутив акт деб қаралиши ҳам қайд этади [3, 33]. Бизнингча, мулоқотнинг новербал ифодаси нутқий актнинг таркибий қисми бўлса-да, локутив акт (сўзлаш) билан бир нутқий кесилмайди. Ш.Сафаров ҳам локутив актга хос бу жиҳатни қайд этар экан, қуйидагиларни баён қилади: “Биз мулоқот жараёнида мазмундор логикани калимани яратамиз ва уни талаффуз қилиш йўли билан нутқий фаолият бажарамиз, худди шу фаолият ижроси локуция ёки локутив актдир (locutionary act). Агарда бирор бир сабаб билан (тилни билмаслик, гунг бўлиш) мазмундор гап тузилмаса ва у талаффуз этилмаса, локутив ҳаракат юзага келмайди” [4, 74].

И.П.Сусов локутив актнинг фонетик, лексик-грамматик ва семантик структурага эга жумланинг талаффуз этилиши жиҳати эканини, жумла тўғриси томонининг реаллашуви фонетик актга, лексик-грамматик структурасининг реаллашуви фатик актга, семантик структурасининг реаллашуви эса ретив актга дахлдорлигини қайд этади [5].

Англашиладики, локутив акт сўзлаш ҳаракати билан боғлиқ мулоқот туридир. М.Ҳақимов “фонетик, лексик, синтактик бирликларнинг сўзловчи томонидан меъёрий талаффуз жараёни локутив акт сифатида қаралиши”, “локутив актнинг моҳияти жумланинг маълум грамматик қоидалар ёрдамида талаффуз қилиниши билан ойдинлашиши”, “нутқий актнинг локутив аспекти фақат товуш, сўз ва бошқа қурилмаларни маълум лексик ва грамматик қоидалар асосида тўғри талаффуз қилиш билан чегараланиши” ҳақида фикр юритилади [3, 120]. Бизнингча, локутив акт сўзлаш акти сифатида талаффуз жараёнида кузатиладиган номувофий ҳолатларни ҳам қамраб олади.

Болалар нутқида локутив акт баъзан нутқий меъёрлар талаби остида, баъзан унга амал қилинмаган ҳолда шаклланади. Қуйидаги нутқий акт тил меъёрларига риоя қилинган ҳолда талаффуз этилганлигига кўра локутив акт ҳисобланади: **Ойим қошларини чимириб, қўллари қалтираб, кундаликни тарақлашда давом этди:**

– Бу нима? – сўради ойим.

– Икки.

– Буниси-чи?

– Уч. (Х.Тўхтабоев. “Сариқ девни миниб”)

Бола томонидан жумланинг фонетик меъёрларга мос тарзда талаффуз қилиниши фонетик локуция ҳисобланади. Тилнинг лексик-грамматик меъёрларига мос тарзда баён этилган жумла фатик акт бўлиб, унда асосий эътибор лексик бирликларнинг тўғри таяланиши масаласига қаратилади. Бола нутқида жумланинг семантик меъёрларга мос тарзда ифода этилиши ретик локуция саналади. Бундай актда асосий эътибор жумланинг мазмуний таяланишига қаратилади.

Локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофиқ шакллари кичик ёшдаги болалар нутқида кўп кузатилади. Бу ҳолат бир қатор ташқи омиллар билан боғлиқ. Булардан бири физиологик омилдир. Қуйидаги мисолни таҳлил қиламиз:

Дой кўчадан сирганиб бораётсам, бошига қора гушти чопон ёпиниб олган одам кўринди. Эркакми-хотинми билиб бўлмайди. Бўйи бир қарич, қора шарпа. Худди тўнтариб қўйилган хумчага ўхшайди. Ўн қадамча оғирликда шарпа тўхтади.

1. Ёбияна! – деди ингичка овозда...

2. Сенмисан Попук? – дедим яқин бориб. -- Ойим сизларникига қандайларми?

3. Чиқдила, -- деди қизалоқ, чопон ёқасидан мўралаб. -- Бувимла эттилаки, бошимни укалайиникига кетибдила. Укалайи уюшга кетайкан. Бувимла бошимча бояйканла.

Қизалоқ айтган янгиликни идрок этганимча хийла вақт ўтди. (Ҳақимов. “Икки эшик ораси”).

Куринадики, кичик ёшдаги бола томонидан ҳосил қилинган локутив акт р товушининг талаффузи орфоэпик меъёрга мувофиқ эмас. Бундай актда коммуникатив-прагматик тўсиқ юзага келиб, тингловчи томонидан нутқий актда акс этган пропозициянинг идрок этилиши қийинлашади.

Табийки, нутқда сўзловчининг ёш жиҳати билан боғлиқ физиологик омиллар таъсирида локуция ифодаловчи вербал бирлик қанча кўп фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз қилинса, тингловчининг уни идрок этиши шу даражада мураккаб кечади.

Болаларда локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофик бўлиши нутқ жараёнида юзага келадиган турли товуш ўзгаришлари билан ҳам боғлиқ. Кичик ёшдаги болалар нутқда метатеза ҳодисаси кўп учрайди. Бу ҳолат уларнинг сўзларни шошиб талаффуз қилиши, айрим ўзлашмаларни талаффуз қилишига кийналиши кабилар билан боғлиқ. Масалан, “*Бизани хошли қўйимиз сўз (шошли қўйимиз демоқчи)*” (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”) нутқ актда бола томонидан беихтиёр содир этилган дистант метатеза нутқнинг бирмунча кийин идрок этилишига сабаб бўлган.

Болалар нутқда контакт метатезага учраган товуш ўзгаришлари ҳам учраб туради. Абдулазиз Абдужабборов (4 ёш 3 ой) нутқда *диск* сўзининг *дик* тарзида ишлатилиши кузатилди. Мазкур ёшдаги бола ўзлашма таркибида кетма-кет келган ундош товушлардан бирини туширмай талаффуз қила олади. Бироқ ўзбек боласи учун кўш ундошларнинг талаффузга ноқулайлик келтириб чиқариши унинг нутқда контакт метатеза ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Куйидаги мисолда эса ассимиляцияга асосланган товуш ўзгариши натижасида локутив актда тил меъёрига зид талаффуз юзага келган:

Насиба, сен бизни қуйла, биз қочамиз. (М.Содиқова. “Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам”)

Шуниси характерлики, “қувла” сўзининг *қуйла* тарзида талаффуз қилиниши нафақат кичик ёшдаги болалар, балки Тошкент шаҳар шевада сўзлашувчи катта ёшдаги кишилар нутқда ҳам социолект элементи сифатида кўп учрайди. Товуш ўзгаришининг содир бўлишига тил ва лаб ундошларининг кетма-кет талаффузида ноқулайлик сабаб бўлган дейиш мумкин.

Кичик ёшдаги болалар нутқда протеза ҳодисаси амал қилган нутқий қўлланишлар ҳам кўп учрайди: *Нилуфар катталардек жиддий бош чайқайди. Мен ишкалад* емайман. *Тишим тушган.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Болаларда локуция жараёнида кузатиладиган товуш орттиришлари катталар орқали ўзлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Катталар нутқда ҳам учраб турадиган бу ҳодиса Ҳ.Жамолхонов таъкидлаганидек, туркий тилларда сўз ёки бўғин бошидаги ундошларнинг ўзаро бирика олмаслиги, бу қонуний айрим русча ўзлашмалар бошида бир унлининг орттирилишига, яъни бу сўзларнинг туркий тил қонуниятига мослаштирилган шакли ҳосил қилинишига сабаб бўлган [6, 128].

Хуллас, болаларда локутив актнинг талаффуз меъёрларига мос шакллари билан бир қаторда, тил меъёрларига мувофик келмайдиган шакллари ҳам учраб туради. Шунга қарамай, бу акт тури мазмунан шаклланади ва референцияга эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов – М., 1986. Вып. XVII.

- Гарф, Дж. Р. Что такое речевой акт // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. – М., 1986.
- Менюв М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. Тошкент, 2001.
- Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
- Слов И.П. Лингвистическая прагматика <http://homepages.tversu.ru/~ips/Pragmg.html>.
- Хоноров Н. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensikiopediyasi, 2013.

*Шахло Хамраева,
БухДУ қошидаги 1-академик
лицей ўқитувчиси*

КОРПУС ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИГА ДОИР

Корпуснинг тузилиши, мақсади, турғун ва ўзгарувчанлиги ва ҳ. жихатига бир қанча турга эга, улар мутахассислар томонидан турлича таснифланган

Тасниф белгиси	Корпус турлари
Нутқ турига кўра	Оғзаки, ёзма, аралаш
Матн тилига кўра	Русча, инглизча ва ҳ.
Параллеллигига кўра	Бир тилли, икки тилли, кўп тилли
Матннинг ихтисослашувига	Бадиий, диалектал, суҳбат, терминологик, аралаш
Жанрига кўра	Адабий, фольклор, драматик, публицистик
Кириш усулига кўра	Эркин, пуллик, ёпиқ
Мақсадига кўра	Тадқиқий, тавсифий
Изохланишига кўра	Қўшимча изоҳли, изоҳсиз
Ўзгарувчанлигига кўра	Ўзгарувчан, турғун
Структурасига кўра	Марказий, архив, маҳаллий
Изоҳ хусусиятига кўра	Морфологик, синтактик, семантик
Матн ҳажмига кўра	Тўлиқ матнли, лавҳа матнли
Хронологик жихатига кўра	Синхрон, диахрон
Умумийлигига кўра	Умумий, яқка муаллифли

Олимлар мақсади ҳамда олдига қўйилган вазифасига қараб корпусларнинг бошқача таснифини ҳам келтиради [1]:

1. Сақлаш шаклига кўра: овозли, ёзма, аралаш.
2. Матн тилига кўра: бир ва кўп тилли.
3. Жанрий мансублигига кўра: адабий, диалектал, оғзаки (сўзлашувга), публицистик, аралаш.
4. Корпусга кириш имкониятига кўра: эркин, тижорат корпуслари, ёпиқ.
5. Мақсадига кўра: тадқиқий, иллюстратив.
6. Динамиклигига кўра: динамик (монитор), турғун.